

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **Й.Солижонов**

Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни ..... 85

### **Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева**

Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида ..... 88

### **С.Мамаюсупова**

Шукур Холмираев ижодида мақол ва матал муносабатлари ..... 91

---

## ТИЛШУНОСЛИК

### **Ш.Ганиева**

Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси ..... 95

### **Ф.Абдурахмонов**

Замонавий рус тилида уч актантли феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари ..... 98

### **Д.Газиева**

Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш ..... 103

### **Н.Аббосова**

Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари ..... 107

### **М.Ҳакимова**

Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари ..... 111

### **Ҳ.Солихўжаева**

Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида ..... 116

### **Ш.Матназаров**

Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши ..... 119

### **Н.Умарова, Н.Абдувалиева**

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрый вариантларидағи айрим тафовутлар ..... 122

### **Ф.Қосимова**

«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари ..... 126

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### **Р.Мамасолиев, Р.Солиев**

Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишининг замонавий асослари ..... 130

### **Ш.Алимов, М.Нурматова**

Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш ..... 133

### **Д.Ҳайдарова**

Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари ..... 136

### **З.Бобоева, И.Пўлатов**

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари ..... 140

---

## ИЛМИЙ АҲБОРОТ

### **Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов**

Толали материалларни тозалаш агрегати колесники панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси ..... 143

### **А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова**

Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш ..... 147

### **Р.Маджидова**

Оиласий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти ..... 149

### **М.Мадаминова**

Абу Райхон Беруний – адабиётшунос ..... 152

### **М.Юсупова**

Навоий образининг янгича талқини ..... 155

### **Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов**

Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар ..... 158

УДК: 41+371.3

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ  
ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА

DEVELOPING PROFESSIONAL COMPETENCE OF THE FOREIGN LANGUAGE  
TEACHER

Ш.С.Алимов, М.Х.Нурматова

**Аннотация**

Мақола чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясini шакллантириш масалаларига бағишилган. Шу билан бирга, унинг касбий компетенцияси компонентлари ҳақида ҳам баттафсил маълумот берилган.

**Аннотация**

Статья посвящается вопросам формирования профессиональной компетенции преподавателя иностранного языка. Также излагается информация о компонентах профессиональной компетенции преподавателя иностранного языка.

**Annotation**

The article studied the issues of professional competence of foreign language teachers. The components of professional competence of foreign language teachers also were discussed in the article.

**Таянч сўз ва иборалар:** чет тили ўқитувчи, касбий компетенция, лаёқат, кўникма.

**Ключевые слова и выражения:** преподаватель иностранного языка, профессиональная компетенция, способность, навык.

**Keywords and expressions:** foreign language teacher, professional competence, ability, skill.

Бугунги кунда таълимда “компетенция” ва “компетентлик” атамалари кенг қўлланилмоқда. Аслида “компетенция” атамаси таълимга компетенциявий ёндашув орқали кириб келган бўлиб, у таълимни замонавийлаштириш, ташкил қилиш билан боғлиқ муаммоларни кенроқ ўрганиш орқали чуқур билимга эга бўлиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб таҳлил қилиш, ижобий ечимини топишдаги креативлик ва шу соҳадаги бой тажрибани англатади.

Ҳозирда методик адабиётларда “компетенция” сўзи билан боғлиқ “коммуникатив компетенция”, “лингвистик компетенция”, “маданиятларо компетенция”, “ижтимоий компетенция”, “психологик компетенция”, “касбий компетенция” каби қўплаб атамаларни учратиш мумкин. “Компетенция” атамаси тилшунослиқда илк бор америкалик машҳур олим Н.Хомский томонидан қўлланилган. Кейинчалик бу атама рус олимлари И.А.Зимняя, О.Е.Пермяков, А.В.Хоторскийлар томонидан ижодий ўрганилиб, таҳлил қилинди ва унинг янги қирралари очиб берилди.

Г.К.Селевконинг фикрича, компетенция таълим натижасида шакллантириладиган билим, кўникма ва малакалар бўлиб, у шахснинг интеграл хусусиятларини ифодалайди [1, 136-144].

«Чет тили сўзларининг қисқача луғати»да «компетенция» сўзи маълум соҳа бўйича билимдонлиликни ва шу соҳадаги бирор муаммонинг ечими юзасидан ҳукм чиқара олиш ҳуқуқига эга бўлишиликни ифодалаши таъкидланган. “Катта энциклопедик луғат”да эса маълум соҳадаги билимдонлик билан бирга шу соҳадаги катта тажрибага эгалик ҳам кўрсатиб ўтилган. Ушбу берилган таърифларни умумлаштириб холоса қиладиган бўлсак, компетенция деганда маълум бир соҳадаги чуқур билим ва тажрибадан келиб чиқиб шу соҳа билан боғлиқ муаммолар юзасидан ҳукм чиқара олиш лаёқатини тушуниш мумкин.

Ҳозирги кунда Европа мамлакатларида андрогогика фани жадал ривожланмоқда. Бу, аслида, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланаётганилиги натижасида замонавий талаб асосида келиб чиқаётган турли касбларга ўргатиш билан боғлиқ. Замонавий касбларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ўстириш бугунги кунда ечимини топиш керак бўлган муҳим масалалардан ҳисобланади. Жамиятда яшаб меҳнат қилувчи, ўз танлаган касби соҳасидаги фаол, креатив шахсни тарбиялашда ва унинг фаолият кўрсатаётган касби билан боғлиқ касбий компетенцияни

Ш.С.Алимов – АнДУ, педагогика фанлари номзоди, доцент  
М.Х.Нурматова – Тошкент давлат аграр университети,  
катта ўқитувчи.

шакллантиришда андрагогика фани қонуниятларидан келиб чиқиб таълим жараёнини ташкил қилиш ушбу масалани ижобий ҳал қилишга қаратилган мұхим омиллардан биридир.

Катта ёшдаги шахсларни (adult learners) үқитиш үзига хос ёндашувни талаб қиласы. Бу эса психология, педагогика, андрагогика фанларига оид илмий асосланған маълумотлар ва қонуниятлар асосида замонавий касб әгасининг касбий компетенциясini шакллантиришни тақозо этади. Ҳозирги кунда замонавий мутахассисдан бир нечта чет тилини билиш талаб этилмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларидаги замонавий мутахассисларга қўйилаётган талабларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам барча таълим муассасаларида чет тиллари үқитилмоқда ва чет тили үқитувчисининг касбий компетенциясini шакллантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Чет тили үқитувчисининг касбий компетенцияси кўп тармоқли бўлиб, бунга үқитувчининг лингвистик, психологик, педагогик, дидактик, коммуникатив, лингвомаданий ва методологик компетенцияларини киритиш мумкин.

Чет тили үқитувчисининг лингвистик компетенцияси үқитувчидан ўрганилаётган чет тили фонетикаси, лексикаси ва грамматикасига оид чуқур билим, тажриба ва улардан нутқий фаолиятда фойдаланиш лаёкатига эга бўлишни назарда тутади.

Четтили үқитувчи касбий компетенциясининг психологик компоненти таълим жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ психологик қонуниятларни билиш, нутқий кўнімка ва малакаларни шакллантириш, мотивация ҳосил қилиш, талабаларда ўрганилаётган чет тилидаги мавзуларга нисбатан қизиқиш ҳосил қила олиш лаёкатини билдиради. Чет тилини үқитиш билим бериш билангина чекланиб қолмайди, балки шу ўрганилаётган тил воситалари ёрдамида тарбияни амалга оширишни ҳам назарда тутади. Бу эса чет тили үқитувчисидан маълум даражадаги педагогик лаёкатга эга бўлишни талаб қиласы.

Таълим бериш, ўқиб ўрганиш, үқитиш жараёнини ташкил қилиш таълимшунослик


қонуниятлари асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам таълимшунослик фанига оид чуқур билим ва тажрибага эга бўлиш ушбу фан қонуниятларидан чет тилини ўқитишда мақсадли фойдалана олиш лаёкатига эга бўлиш жуда мұхим. Тилнинг асосий вазифаси— мулоқот воситаси бўлиб, у турли ҳаётий вазиятларда эркин қўллана олиш, ахборот олиш, ахборот бериш лаёкатига эга бўлишликни назарда тутади.

Жаҳон миқёсида кечеётган интеграллашув жараёни маданиятлараро интеграллашувни ҳам келтириб чиқарди. Бу эса чет тили үқитувчисидан тил ўрганувчиларда ўзга маданият вакиллари билан нутқий мулоқот жараёнда хушмуомалалик, уларнинг урф-одатларига, динига, қадриятларига нисбатан толерантлик ҳиссини шакллантиришни талаб қиласы. Ушбу сифатлар эса үқитувчи касбий компетенциясининг компонентларидан бири бўлмиш лингвомаданий компетенцияни шакллантиришни ҳам тақозо этади, зеро чет тилида эркин мулоқот қиласидан қиласида ҳам оғизи кимнига эмас, балки “когнизантлар” [2, 334] тайёрлаш ҳам бугунги кунда чет тилларни ўргатишга қўйилаётган талаблардан биридир.

Чет тили үқитувчисининг методологик компетенцияси чет тили үқитиш жараёнини ташкил қилиш хусусидаги чуқур билим, тажриба ва малакага эга бўлишни ҳамда ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал қила олиш лаёкатига эга бўлишни назарда тутади.

Хуласа қилиб айтганда, чет тили үқитувчиларини тайёрлашда юқорида қайд этилган касбий компетенция компонентларини шакллантириш малакали үқитувчилар тайёрлаш самарадорлигини оширади. Касбий компетенцияни шакллантириш динамик (ўсиб борувчи) жараён ҳисобланиб, у үқитувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва педагогик лаёкатини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Умуман олганда, чет тили үқитувчисининг касбий компетенциясининг таркибий қисмлари сифатида лингвистик, психологистик, педагогик-дидактик ва лингво-культурологик (лингвомаданиятиллик) компетенцияларини келтириш мумкин.



Уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ва уларни ўқув жараёнида қўллашга хос масалаларни эса алоҳида мақолада кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Адабиётлар:**

1. Селевко Г.К. Компетентности и их классификация / «Народное образование». – М., 2004. -№4.
2. Жалолов Ж., Маҳкамова Г.Т., Ашурев Ш.С. English language teaching methodology. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2015.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).